

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУРИДДИНОВА МУЯССАР МУХИДДИНОВНА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ҲАРАКАТ КЎНИКМА ВА  
МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ  
ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси  
13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ–2020**

УДК: 796:338:89:28:078: (1-4)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Нуриддинова Муяссар Мухиддиновна**

Мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракат кўникма ва малакаларини  
шакллантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш методикаси .....3

**Нуриддинова Муяссар Мухиддиновна**

Методика использования подвижных игр при формировании двигательных  
умений и навыков у детей дошкольного возраста .....29

**Nuriddinova Muyassar Mukhiddinovna**

Methods of using motional games for preschoolers in order to develop movement  
practice and skills.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУРИДДИНОВА МУЯССАР МУҲИДДИНОВНА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ҲАРАКАТ КЎНИКМА ВА  
МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ  
ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси  
13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ–2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В 2019. 1. PhD/Ped. 839 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда [Ўзбек, рус, инглиз (резюме)] Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.uz-djtsu.uz](http://www.uz-djtsu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

Усмоновжон Талъат Саидович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Шопулатов Абдималик Нуриллаевич  
педагогика фанлари буйича фалсафа доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

Абдиев Абдулла Носирович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Эшпазаров Журақул Эшпазарович  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "28" декабрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, веб-сайт: [www.uz-djti.uz](http://www.uz-djti.uz), email: [uzdjstu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjstu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "Б" ўқув биноси, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида (211 383 рақам билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2020 йил "15" декабрь да тарқатилди (2020 йил "15" декабрь даги рақамли реестр баенномаси).



М.Р.Болтабаев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов,  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.б.ф.д.

Д.Д.Шарипова,  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қўшидаги илмий семинар раиси,  
и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ривожланган мамлакатларда таълим соҳасини янада такомиллаштириб бориш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланиб, бу йўналишда турли даражада интеграцияланув жараёнлари давом этмоқда. Таълим тизимини ривожлантиришда унинг илк бугини бўлган мактабгача таълим энг биринчи устувор соҳа саналади. Ривожланган давлатларда болани аввало соғломлаштириш, таълим-тарбия жараёнига тайёрлаш, жисмоний ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари ушбу соҳадаги етакчи олий таълим муассасасалари ва илмий-тадқиқот марказларининг тадқиқот объектига айланган, эришилган натижалар, ижобий тажрибалар халқаро миқёсда оммалаштиришмоқда. Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбияси бола шахсини соғлом ривожлантиришда пойдевор ҳисобланиб, бу соҳадаги тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-амалий лойиҳаларни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда мактабгача таълим тизими мунтазам ва изчил ислоҳ қилиб боришга йўналтирилган янги тадқиқот натижаларини тизимли тартибда амалга ошириш, боланинг шахс сифатида шаклланиши, жисмоний, ақлий ва ҳиссий ривожлантириш, жисмоний фаолликни ошириш, турли сенсор ҳаракатларни шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларга эрта таълим бериш тизимини амалиётга қўллаш, спортга барвақт йўналтириш каби масалалар бир қанча хорижий тадқиқотларнинг бош масаласи сифатида эътироф этилмоқда. Бола шахсининг жисмоний тараққий этишига тўсиқ бўлаётган омилларни аниқлаб ўз вақтида бартараф этиш каби муҳим педагогик ва ижтимоий масалалар қаторида фаол ҳаракатланишни тарғиб қилиш, кам ҳаракатлилиكنинг олдини олиш, болаларни соғломлаштириш ушбу йўналишнинг энг асосий ва долзарб талабларидан биридир.

Мамлакатимизда мактабгача ёшдаги болалар тарбиясида энг асосий бугун ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия сифатини юқори даражага олиб чиқиш, тизимда инновацион фаолиятни қўллаб қувватлаш, соҳада хусусий таълим ташкилотларини ривожланишига имкониятлар яратилди<sup>1</sup>. Мактабгача таълим соҳасида янги меъёрий ҳужжатлар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилди. Жумладан Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган давлат талаблари асосида «Илк қадам» Давлат ўқув дастури, ҳар бир гуруҳ кесимида дастурга мувофиқ марказлар фаолияти тартибга солиниб, фаолият такомиллаштирилди. Мактабгача таълим тўғрисидаги янги қонун билан алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар учун мўлжалланган таълим фаолияти, ота-оналар билан ҳамкорлик, мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашувлар асосида таълим-тарбия жараёнларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга муножаоти, Т. 2017 йил 22 декабрь -23 б.

ташқиллаштиришга имконият яратилди. Шу каби долзарб вазифаларни ҳал этиш, жумладан, мактабгача таълим вазирлиги тизимида фаолият юритаётган жисмоний тарбия йуриқчиларининг касбий малакаларини ошириш мақсадида ўқув қўлланма ва дастур ишлаб чиқиш зарурияти билан ушбу мавзунини тадқиқ этиш вазифалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги 2707-сон «2017-2021 йилларга мўлжалланган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 9 сентябрдаги 3261-сон «Мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора тadbирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги 5198-сон «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацияни тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши бўйича амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз ва хорижда мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбия масалалари ва ҳаракатли ўйинлар борасида қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбия назарияси ва методикаси бўйича Т.С.Усманходжаев, Р.С.Саломов, Н.Н.Джамилова, кичик ёшдаги болаларни соғломлаштириш ишлари бўйича Д.Д.Шарипова, Н.А.Виноградова, ҳаракатли ўйинлар ва уларни амалга ошириш бўйича Р.Азизова, Ғ.М.Салимов, Ғ.А.Керимов, С.С.Тажибаев, мактабгача ёшдаги болаларни турли спорт турига ўргатишда ҳаракатли ўйинларни қўллаш бўйича М.М.Машарипова, Т.И.Осокина, М.Ф.Литвинова, Н.Т.Лебедева, В.Г.Яковлев, А.Н.Гриневский, Л.Д.Глазирова, Ф.Г.Фролов, турли таълимий фаолиятлар орқали болаларни жисмоний ривожлантириш масалалари О.Сафаров, Ф.Р.Қодирова, Ш.Қ.Тошпулатова, М.З.Файзуллаева, О.В.Гончарова, Р.А.Йўлдошева, А.В.Кенеман, Д.В.Хухлаева, Л.В. Капилевич, В.И.Андреев, мактабгача ёшдаги болаларнинг руҳий ривожланишида ўйинларнинг таъсири бўйича Д.Б.Эльконин, М.Э.Вайнер, Д.И.Гасанова, ҳаракатланиш фаолияти болаларнинг мулоқатчанлигини ривожлантириш бўйича Е.Н.Тоцкая, Д.В.Менджерияцкая, Л.Д.Глазырина, Л.И.Пензуллаева, Т.А.Семёнова, шунингдек, хорижий олимлардан йирик моториканинг ривожланишига таъсир этиш масалаларини О.П.Бауэр, К.Stanberry, S.Yilmaz, G.L.Lendret, S.L. Crogh томонидан тадқиқ этилган. Мавжуд адабиётлар таҳлили шунини кўрсатдики, айнан мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний кўникма ва малакаларини ҳаракатли ўйинлар орқали ривожлантириш жиҳатидан тадқиқот ишлари кам

льгиборга олинган.<sup>2</sup>

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**  
Диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Мақтабгача ёшдаги болаларни ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш методикаси» мавзуи доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мақтабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбия жараёнида ҳаракат - кўникма ва малакаларини шакллантиришда қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мақтабгача ёшдаги болаларни ёш кесимида жисмоний ривожланганлик даражаларини ҳамда кундалик фаол ҳаракатланишларини таҳлил қилиш ва меъърий ҳаракат кўрсаткичларини илмий-амалий асослаш;

мақтабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбия жараёнида кўникма ва минақширини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш;

мақтабгача таълим ташкилотлари жисмоний тарбия йўриқчиларининг фаолияти ва меъърий ҳужжатларини оптималлаштириш;

мақтабгача ёшдаги болаларда кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** мақтабгача таълим ташкилотида мақтабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия жараёни ва ўйин фаолияти.

**Тадқиқотнинг предмети** мақтабгача ёшдаги болаларда жисмоний

<sup>2</sup>Усмоновжасал Т.С. ва бош Мақтабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия.Т.:2019. Саломов Р.С. Жисмоний тарбия тарбияси ва услубиёти.Т.:2015.69-6. Джамилова Н.Н. Мақтабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия.Т.2011 Ширинов Д.Д. Валеология асослари. Т.: 2011. Виноградова, Н. А. Дошкольная педагогика: учеб.-метод. пособие для подготовки студентов к итоговой государственной аттестации / Н. А. Виноградова. — 2-е изд., испр. и доп. — М.: МПН, 2006. 170 с. Азизова Р. Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси. Т.: 2010. Салимов Ғ.М. Миний ҳаракатли ўйинлар асосида 7-10 ёшли ўқувчиларни жисмоний сифатларини ривожлантириш самардорлиги. Дисс. Т.2007. Гаджибеков С.С. Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси. Дисс. Т.2017. Манаринова М.И. Мақтабгача тарбия муассасалари шароитида болаларнинг ҳаракат потенциалини мақсадли ривожлантириш технологияси. Диссертация.Т.: 2006. Керимов Ф.А. Яқка кураш элементларига эга бўлган ҳаракатли ўйинлар, Оскина Т.И. Физическая культура в детском саду. М.,2014. Литвинова М.Ф. Русские народные подвижные игры М.:1985. Лебедева Н.Т. Двигательная активность в процессе обучения младших школьников М., 1999. Не. Яковлев В., Гриппеский А. Игры для детей. М.:1992. Глазырина Л.Д. Физическая культура - дошкольникам. М. 1999. Фролов В.Г., Юрко Г.П. Физкультурные занятия на воздухе с детьми дошкольного возраста.М.: 1983. Сафаров О. Качиниловлар учун халқ ҳаракатли ўйинлари.Т.:2014. Қодирова Ф.Р., Тошпулатова Ш.Қ. Мақтабгача тарбия методикаси. Т.: 2015. Файзуллаева М.З. Мақтабгача таълим муассасаларида тақвими режалантириш. Т.2011. Ганчирина О.В. Болалар жисмоний сифатларини тарбиялаш.Т.:2015. 135-6. Иулдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳдиди.Т.:1992. Кенеман А.В., Хухлаева Д.В. Теория и методика физического воспитания детей дошкольного возраста Учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спец. «Дошкольная педагогика и психология» и клин. 2019г. Капливнич Л.В., Андреев В.И. Здоровье и здоровый образ жизни (PDF) Учебное пособие. - Томск: ТПУ, 2008 -102с.Олькович Д.Е. Психология игры. В.2014. Вайнер М.Э. Игровые технологии коррекции поведения дошкольников. ДОС Учебное пособие. - М.: Педагогическое общество России, 2004. 48 с. Газанова Д.И. Педагогические игры как средство физического воспитания детей старшего дошкольного возраста тема диссертации и автореферата. М.: 2000. Тоцкая Е.Н. Направленное воздействие подвижных игр на развитие коммуникативных способностей детей старшего дошкольного возраста М.: 2011. Менджеричка Д.В. Воспитательно о детской игре. М.: 1984.Глазырина Л.Д. Физическая культура - дошкольникам. М.:1999.Пензуллаева Л.И. 5-6 ёшли болалар учун жисмоний тарбия, машғулотлари.Т.:1992. Семёнова Т.А. Воспитание ловкости у детей шестого года жизни в подвижных играх М.: 2007. Баур О.И. Подвижные и спортивные игры в профессиональной подготовке специалистов по физической культуре дошкольников. Stanberry K. Understanding Physical Development in Preschoolers. G.:2019. С.: 2005. Yilmaz S. Outdoor Environment and Outdoor Activities in Early Childhood Education. Okul Oncesi Eğitimi Değ Mekanlar ve Değ Mekan Aktiviteler. A.:2018. Лэндпет Г.Л. Игровая терапия: искусство отношений. М.:1998. Crogh S.L. Educating young children USA.

тарбия жараёнида кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича ҳаракатли ўйинларни қўллаш жараёни.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, сўровнома, антропометрия, пульсометрия, педагогик тажриба, математик-статистик методлар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларни ёш кесимида жисмоний ривожланганлик даражалари (антропометрия, динамометрия, спирометрия,) асосида (қадамлар сони, босиб ўтилган масофа) сарфланган киллокалория курсаткичлари бўйича ҳаракат фаоллиги илмий асослаб берилган;

мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантиришда йирик моторика, майда моторика ва сенсомоторика сезгиларини шакллантиришга йўналтирилган дастур асосида болаларнинг кўникма ва малакалари такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари жисмоний тарбия йўриқчиларининг фаолиятининг намунавий меъёрий ҳужжатлари асосида (тақвимий режа, барча гуруҳларда асосий ҳаракат турларини режалаштириш, ҳаракатли ўйинлар режаси, жисмоний-соғломлаштирувчи тадбирларни ташкил этиш режаси, йўриқчининг регламенти) шакл ва мазмуни оптималлаштирилган;

мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган илмий-методик тавсиялар асосида ҳаракатли ўйинлар билан янги машғулот ишланмалари ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Педагогик кузатув, сўровнома, жорий тадқиқотлар ва педагогик тажриба давомида олинган натижалар асосида мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний кўникма ва малакаларни ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси ҳамда «Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия», «Жисмоний тарбия методикаси»дан мактабгача таълим ташкилотлари, қўшимча таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида ҳамда педагогика олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг жисмоний тарбия йўналишида таълим олувчилари учун махсус курслар ўтишда, мактабгача таълим муассасалари педагогик ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида, оммавий мактабгача ва оилавий таълим амалиётида, мавзуга доир илмий, методик адабиётлар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар назарий-услубий жиҳатдан асосланган, илмий тадқиқотнинг изчил бажарилганлиги, мантиқий ёндашувга эга эканлиги, услубларнинг тадқиқот мақсади ва вазифаларига тўлиқ мос келиши, илмий-услубий адабиётлардаги маълумотларга ва уларнинг муаллифлари бўлган республикамизнинг ҳамда хорижий олимларнинг илмий хулосалари ва тавсияларига асосланганлиги, тажриба-синов ишларида олинган маълумотлар ва натижаларнинг компьютер техникасининг маълум дастурларидан фойдаланиб математик-статистик таҳлил усулларида қайта ишлов



берилганлиги, диссертацияда келтирилган амалий тавсиялар мактабгача таълим методикаси ва жисмоний тарбиянинг концептуал муаммоларининг ечимига йўналтирилганлиги, натижаларнинг тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракат кўникмалари ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича болаларнинг йирик (юриш, югуриш, сакраш, эмаклаш ва ш.к.) ва майда (кўз, қўл бармоқлари) ҳаракатларини мувофиқлигини ҳамда сенсомоторика (сезги) сини ривожлантиришни давлат талаблари асосида амалга оширишга йўналтирилган ҳаракатли ўйинлар тизими ва улардан амалда фойдаланиш методикаси жисмоний тарбиянинг ҳамда мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларига ҳамда амалда қўлланиш методикаси жисмоний тарбия методикаси талабларига мувофиқ интилаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида мактабгача таълим йўналиши бўйича тилловчиларнинг барча тоифаларига ўқув-услубий мажмуалар, маъруза матнлари ва ушбу институтда мактабгача таълим бўйича педагоглар учун ўқув-услубий адабиётлар, методик тавсиялар ва рисолалар тайёрлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳаракат кўникма ва малакаларини ошириш юзасида ўтказилган тажрибалар асосида:

мактабгача ёшдаги болаларни ёш кесимида жисмоний ривожланганлик даражаси (антропометрия, динометрия, спирометрия,) асосида (қадамлар сони, босиб ўтилган масофа) сарфланган килокалория кўрсаткичлари бўйича ҳаракат фаолияти «Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия» ўқув қўлланмасида илмий асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғига асосан 1186-044 рақамли гувоҳнома). Натижада 3-5 ёшли болаларда функционал кўрсаткичлар - 6,23% га ривожланганлиги кузатилган;

мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантириш ва ҳаракатларини бажаришда йирик моторика, майда моторика ва сенсомоторика сезиларини ривожлантириш бўйича тактиф ва тавсиялар асосида яратилган «Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия» ўқув қўлланмасида келтирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғига асосан 1186-044 рақамли гувоҳнома). Натижада 3-7 ёшли болаларда жисмоний кўникма ва малакалари 13,17% га такомиллашган;

мактабгача таълим ташкилотлари жисмоний тарбия йўриқчиларининг филология ва меъерий ҳужжатлари (тақвимий режа, барча гуруҳларда асосий ҳаракат турларини режалаштириш, спорт мусобақалари режаси, жисмоний-

соғломлаштирувчи тадбирларни ташкил этиш режаси, йўриқчининг регламенти) республика мактабгача таълим ташкилотлари жисмоний тарбия йўриқчилари учун меъёрий ҳужжатлар мажмун, электрон иш журнали амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 23 июндаги 03-01-10-1564-сон маълумотномаси). Натижада жисмоний тарбия йўриқчилари иш ҳужжатлари самарадорлиги 60%га оптималлаштирилган;

мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган илмий-методик тавсиялар «Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғига асосан 1186-044 рақамли гувоҳнома). Натижада 5-7 ёшли болаларда ҳаракат фаоллиги - 10,79%га ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари асосида муаллифлик дастури, ўқув-услубий мажмуа, йўриқнома, машғулотлар тўплами, ўқув-методик тавсия ва мажмуалар, жами 10 дан ортиқ иш республика ва халқаро анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 3 та (2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 121 саҳифа матн, 10 та расм, 11 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгиллиги, натижаларнинг ишончлилиги, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракатли ўйинлари мавзу сифатида маҳаллий ва хорижий олимлар ва педагоглар томонидан ўрганилганлиги, уларнинг қарашлари ва ғоялари, ҳаракатли ўйинларнинг даврлар оша тараққий этиши, уларнинг таснифи, мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантириш масалалари, айни даврда тизимдаги амалий ҳолат

ва таҳлили келтирилган.

Мактабгача тарбия таълим тизимининг бирламчи ва энг муҳим бўғини ҳисобланади. Соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялаш, аввало, шу тизимдан бошланади. Бироқ шу пайтгача бу тизим ривожланишдан ортда қолган эди. Охирги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоизга камайган. Оқибатда мактабгача ёшдаги болаларнинг 33 фоизи боғчаларга қамраб олинган, холос. Бу кўрсаткич Данияда 99 фоиз, Японияда 97 фоиз, Жанубий Кореяда 95 фоизни ташкил этади. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, физио-психологик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш бўйича таълим дастурлари жорий этилмаган. Умуман, боғчалар «Ота-она ишда бўлган вақтда болага қараб турадиган муассаса»га айланиб қолган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу соҳани ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш бўйича 3303-сонли Президент Қарори асосида янги тузилган ташкилот зиммасига мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, инфратузилмасини ва моддий-техник базасини мустақамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, муассасаларга болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш орқали болаларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари юқланди.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги томонидан 2019 йил ҳолатига 30 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар орасида «Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари», «Илк қадам» ўқув дастури ва унга мувофиқ ишлаб чиқилган гуруҳлар кесимида мавзуйи режалаштириш, жисмоний тарбиядан назарий ва амалий мажмуа, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия йўриқчиларининг иш журнали шулар жамласидандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарорида Давлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги низомга кўра мактабгача таълим ташкилотига 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Мактабгача таълим муассасаларида кун тартиби аниқ белгиланган фаолиятлар орқали қуйидаги ёш гуруҳларида: кичик (3-4 ёш), ўрта (4-5 ёш), катта (5-6 ёш), мактабга тайёрлов гуруҳлари (6-7 ёш) ташкиллаштирилади. Таълим муассасасида 5 йўналиш бўйича таълим тарбия берилиб, илк бўғини бу жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикасида бола қамрови бугунги кун ҳолатига 39 фоиздан ошганлиги, 5-7 ёшдаги болаларни мактабгача тайёрлаш ишлари сифатли кечаётганлиги ҳам мамлакатимизда мактабгача таълим ривожланиб

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида 2017 йил 19 декабрь куни мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни таҳлил қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруза.

борастганлигидан дарак беради. Республикада бугун 6 000 га яқин давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритиб, уларда 5 300 000 дан ортиқ мактабгача ёшдаги болалар тарбияланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида тузилган ҳар бир ёш кесимида боланинг ривожланиш харитаси тузилган бўлиб, унга кўра турли йўналишларда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган боланинг ёшини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш жараёнлари ўқув йилининг бошида, оралиғида ва якунда кузатилиб, хусусий қайд дафтарига белгилаб борилади.

Кузатув асосида педагог, жисмоний тарбия йуриқчиси боланинг жисмоний ривожланишини ёритиб беради, таълим соҳаларини ўзлаштиришдаги сушт томонларини аниқлайди. Шунга мос равишда таълим жараёни йўналишини белгилайди, тарбияланувчи билан якка тартибда ишлаш режалаштирилади ва белгиланган вазифалар амалга оширилади.

Давлат талаблари асосида болаларнинг йирик (юриш, югуриш, сакраш, эмаклаш ва ҳ.к.), майда (кўз ва қўл ҳаракатларини мувофиқ ишлатиш) ва сенсомоторика (сезги) нинг ривожланиши таълим муассасасидаги педагоглар томонидан кузатилиб, тегишли ишоралар билан белгилаб борилиши лозим. Шу тартибда болаларнинг жисмоний ривожланганлик даражаси аниқланади.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг услублари ва уни ташкил қилиш» деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётлар ва манбалар маълумотларининг таҳлили, педагогик кузатув, сўровнома, антропометрия, педагогик тажриба, функционал кўрсаткичларни аниқлаш, кузатиш ҳамда математик-статистик таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланганлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантириш масалалари» деб номланган учинчи бобида мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбия машғулотини ташкиллаштириш ва амалга ошириш ёритилган.

Бола ҳаётининг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида жисмоний фаолилик, асосий ҳаракатлар тартиби муҳим ҳисобланиб, айнан шу жараёнлар методик жиҳатдан тўғри ва тизимли равишда ташкиллаштирилса, бола шахсининг жисмоний тараққий этишига хизмат қилади. Мактабгача таълим муассасаларида ушбу вазифалар тизимли амалга оширилиб, унинг дастлабки бўғини бу ўйин шаклидаги жисмоний тарбия машғулотларидир.

Жисмоний тарбия машғулоти кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифа ва мазмунга эга. Машғулотнинг мақсад ва вазифаларига кўра уюштирилади. Уни ташкил этишда, болалар кийимлари ва махсус жой, жиҳоз ва инвентарлар яроқчилиги назорати, бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда техник қондаларга риоя этилиши назарда тутилади. Машғулотнинг кириш қисми вазифаси болаларда унга нисбатан қизиқиш уйғотишдан тортиб то диққатни жамлаш, айрим ҳаракат

қўникмаларини шакллантириш ва кейинги фаолиятга тайёрлашни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, бу қисмда сафланиш машқлари - турлича сафланишлар, қайта сафланишлар; турли топшириқлар билан бажариладиган (йўналиши кўрсатилган бурилишлар) юриш ва югуриш; енгил югуриш ҳамда кейинчалик кичик давра бўлиб сафланиш; турли кўринишдаги ва ясситовонликнинг олдини олишдаги юришлар - товонда, оёқ учида, белгиланган чизиқда, нарвонда юриш ва бошқа машқлар танлаб олинади. Кириш қисми болаларнинг қаторларга бўлиниб, доира бўлиб сафланиши, тарқалиши билан якунланади. Бу болаларни машғулотнинг асосий қисми бошланишидаги умумривожлантирувчи машқларни ўргатишга хизмат қилади. Машғулотнинг асосий қисмида бир ҳолатда дастлаб болаларни умумривожлантирувчи машқларга, сўнг асосий ҳаракатларга ўргатиш (2-3 тагача) ва жисмоний сифатлар (куч, чаққонлик, элчиллик ва б.)ни тарбиялаш вазифалари белгиланади. Сўнг асосий ҳаракатларни мустаҳкамлайдиган ҳаракатли ўйинлар ўтказилади. Умумривожлантирувчи машқларни болалар буюмлар - байроқчалар, таёқчалар, чамбараклар, ленталар, арқонлар билан бажаришлари мумкин. Машғулотнинг якуновчи қисми тинч ҳолдаги ҳаракатли ўйиндан сўнг тобора секиллашадиган суръатдаги юришлар билан амалга оширилади.

Демак, жисмоний тарбия машғулотлари мунтазам ташкил этилганда болаларда ҳаракат қўникмаларининг ривожланиши ва малакаларни ортишига сабаб бўлади. Айрим машғулотларда асосий эътибор болаларни янги жисмоний машқларни аввал ўрганилгани билан бирга ўргатишга; иккинчи хил машғулотларда ҳаракат материалининг болалар томонидан ўзлаштириш даражасига эътибор қаратилади. Жисмоний тарбия машғулотида қўйилган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши, эришилаётган натижалар машғулотнинг қисмлари ва ундаги фаолиятларни тўғри тақсимлай олишга ҳам боғлиқдир (1-расмга қarang).



**1-расм. М.Нуриддинова маълумотлари бўйича янги билим берувчи ва мустаҳкамловчи машғулотни қисмларга ажратилиши**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат ва қўникмаларини бажаришда йирик, сенсор ва майда моториканинг ривожланиши жисмоний тарбия дастури асосида тавсифлаб берилган. Бола юриш, югуриш, сакраш, юмалатиш, ирғитиш, ялиб олиш, эмаслаш, тирмашиш, мувозанат сақлаш каби асосий ҳаракат машқларини бажара олиши, турли баландликлардан сакраш,

коптокларни бир-бирига қаратиб юмалатиш, икки қўллаб пастдан, кўкрак олдида, бошидан олдинга ошириб иргитишни ривожлантириш зарурий ҳаракатларни мустаҳкамлашда ҳаракатли ўйинлар мувофиқ танлаб олинади. Сенсомоторикани ривожлантиришда болаларнинг сезги органларини ривожлантириш учун турли усуллардан фойдаланиш, жумладан, буйинини бурмасдан туриб, кўзлар билан буюмни кузатиш, кўзларини чап ва ўнг томонга ҳаракатлантириш, тўпни икки қўли билан олдинга ёки юқорига отиш, қум тўлдирилган қончани горизонтал ёки вертикал нишонга отиш каби аниқ машқларни қамраб олган ҳаракатли ўйинлар орқали шакллантириб борилади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

**5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг ҳаракат кўникма ва малакаларини ривожлантиришда тавсия этиладиган ҳаракатли ўйинлар**

т/р	Йирик моторика	Ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантирувчи ўйинлар номи	Майда моторика	Ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантирувчи ўйинлар номи	Сенсомоторика	Ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантирувчи ўйинлар номи
1.	Сафда кетма-кетликда юриш	“Поезд”	Кийимларининг тугмаларини мустақил тақиш ва ечиш	“Ораста болажон”	Тўпни икки қўли билан олдинга ёки юқорига отиш	“Баландга от”
2.	Илонизи (zig-zag) бўлиб юриш	“Илон изи”	Майда ҳажмдаги ўйинчоқларни қутига йиғади	“Боғични бойла”	Қум тўлдирилган қончани улоқтириш	“Улоқтир”
3.	Колоннада бир ёки ихкита бўлиб қўл ушламасдан юриш	“Эстафета”	Ипга катта ҳажм-даги мунчоқлар теради	“Ижодий ўйин”	Отилган тўпни илиб олиш	“Тўпни ол!”
4.	Қагга қадам билан предметларни айланиб ўтиш	“Эччилар”	Қалам ва мўйқаламни бармоқлари билан тўғри ушлаш	“Расм чизиш”	Тўпни икки қўллари билан думалатиш	“Тўпни узат!”
5.	Йўналишни узгартириб югуриш	“Марра бизники!”	Шаклларни мос жойларга жойлаш	“Шакллар”	Тўпни икки қўли билан олдинга отиш	“Тўп билан ижодий ўйинлар”

1-жадвалда 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг ҳаракат кўникма ва малакаларини ривожлантиришда тавсия этиладиган ҳаракатли ўйинлар

Ўзбекистон Республикаси Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари асосида ёш кесимида асосий ҳаракатлар, йирик, майда ва сенсомоторика ҳамда кўникма ва малакаларини шакллантирувчи ўйинлар намуна сифатида келтирилган.

Диссертациянинг «Жисмоний тарбия методикасини қўллаш самарадорлигини аниқлаш бўйича педагогик тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида респондентлар билан ўтказилган анкета сўровлари натижалари ва уларнинг таҳлили ёритилган бўлиб, мактабгача таълим муассасаси мутахассисларидан (жами 97 нафар) иборат респондентларнинг фикр-мулоҳазаларини аниқлаш учун таклиф қилинган анкета саволларига жавоблари қуйидагича: «Мактабгача таълим муассасасида неча йилдан бери фаолият юритасиз?» деган саволга мутахассис респондентлар умумий сонининг ярмидан кўпроғи, яъни 52% и стаж 5 йил ва ундан кам, 19% и 5 йилдан 10 йилгача, 16% и 10 йилдан 20-йилгача ва фақатгина 10% и 30-40 йилдан буён ишлаб келаётганлигини маълум қилганлар. Сўровномага жавоб берган МТТ мутахассислари умумий сонининг 20 % и кичик (50 тагача ўринли), 41%и ўртача (100-200 ўринли), 31%и катта (200-350 ўринли) ва 5%и жуда катта (350дан кўп ўринли) МТТларида фаолият олиб боришларини билдирганлар.


«Мактабгача таълим муассасангизда жисмоний тарбия йўриқчиси лавозими борми? Қанча штат бирлигида фаолият юритади?» деган саволга респондентлар умумий сонининг 36%и тўлиқмас (0.25-0.5 ставка), 7%и - 0.75-1.0, 34%и - 1-1,75 ставка иш мавжудлигини, қолган 20%и эса ставка мавжуд эмаслигини маълум қилганлар. «Иш фаолиятингиз жараёнида жисмоний тарбия машғулотини ўтказасизми?» деган саволига респондентлар умумий сонининг 50 таси «Ҳа», 5 таси «Йўқ», 30 таси «Қисман» деб жавоб берганлар ва 12 таси таклиф киритганлар. «Муассасасида эрталабки бадантарбия ва ҳаракатли ўйинларни кузатганмисиз?» саволига респондентларнинг 45 таси «Ҳа», 27 таси «Йўқ», 20 таси «Қисман» деб жавоб берганлар ва қолган 5 таси таклиф киритган.

«Муассасида жисмоний тарбия машғулоти, ҳаракатли ўйинлар ва бадантарбия бўйича аниқ текширув ёки таҳлил қилиш учун мезонлар борми?» деган саволга 47та респондент тасдиқ, 33таси инкор, 10 таси қисман тасдиқ ва 7 таси таклиф киритиб жавоб берган.

Навбатдаги 5та саволларга: «МТТда жисмоний тарбия ҳужжатларини биласизми?», «Тарбияланувчиларнинг жисмоний кўникмалари ва малакаларини орттиришга эътибор берасизми?», «Мактабгача таълим тизимида жисмоний тарбия назарияси ва методикаси бўйича қайси манбаларни биласиз?», «Ёзги мавсум учун ҳар йили тайёрланадиган методик тавсиялардан фойдаланасизми?», «Ўзингиз спорт тури билан шуғулланасизми?» каби саволларга мос равишда 83, 73, 45, 86 ва 67 киши «Ҳа»; 14, 12, 52, 11 ва 30 киши «Йўқ» жавобини берганлар. Шуниси қизиқки, бу 5 та савол орасидан фақат «Тарбияланувчиларнинг жисмоний кўникмалари ва малакаларини орттиришга эътибор берасизми?» деган саволга 7 киши қисман жавоб берган

ва 5 киши таклиф киритган. Бошқа тўртта саволда қисман жавоб ва таклиф йўқ. Сўровномада иштирок этган респондентлар - мактабгача таълим муассасаси мутахассисларининг вилоятлар кесимида таҳлили 2-расмда келтирилган.

- |                   |              |                |             |             |
|-------------------|--------------|----------------|-------------|-------------|
| ■ Қорақалпоғистон | ■ Тошкент ш. | ■ Фарғона      | ■ Самарқанд | ■ Қашқадарё |
| ■ Сурхондарё      | ■ Сирдарё    | ■ Тошкент вил. | ■ Бухоро    | ■ Наманган  |
| ■ Андижон         | ■ Хоразм     | ■ Навоий       | ■ Жиззах    |             |



## 2-расм. Сўровномада иштирок этган респондентларнинг вилоятлар кесимидаги таҳлили

Таҳлил натижаларига кўра, сўровномада иштирок этган респондентлар Қорақалпоғистон Республикасидан - 5%, Тошкент шаҳридан - 21%, Фарғонадан - 13%, Самарқандан - 14%, Қашқадарёдан - 9%, Сурхондарёдан - 2%, Сирдарёдан - 3%, Тошкент вилоятидан - 8%, Бухородан - 4%, Намангандан - 6%, Андижондан - 6%, Хоразмдан - 3%, Навоийдан - 1%, Жиззахдан - 1%ни ташкил этди.

Мактабга тайёрлов назорат ва тажриба гуруҳлар кўрсатган натижаларнинг педагогик тажриба давомида ўсиши назорат гуруҳида тажриба гуруҳидаги мос кўрсаткичларнинг ўсишидан пастлиги аниқланди. Уларга кўра, ушбу мактабга тайёрлов назорат гуруҳида энг катта ўсиш (10,51%) синалувчиларнинг вазнида ва (8,17%) синалувчиларнинг 10 метр масофага югуриш машқини бажаришида, энг кам ўсиш (4,85%) турган жойида узунликка сакрашга тааллуқли бўлиб, назорат гуруҳи бўйича ўртача ўсиш 7,49% ни ташкил қилган. Тажриба гуруҳи синалувчилари эса энг катта (20,71%) (электрон) сакрағичда сакраш ва (18,66%) 150 грамм қумли халтачани улоқтириш машқларини бажаришда, энг кам (9,44%) синалувчиларнинг 10 метр масофага югуриши вақтида кўрсатган бўлиб, гуруҳ бўйича ўртача 16,44% ўсишга эришганлар. Шунинг билан бирга, тажриба гуруҳи синалувчилари барча кўрсаткичлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик кийматлари педагогик тажриба давомида статистик ишончли: уларни статистик ишончилиги энг паст ( $p < 0,05$  ва  $t = 2,65$ ) синалувчиларни турган жойида узунликка сакраш машқида; ундан яхшироғи ( $p < 0,01$ ;  $t_{\text{ст}} = 3,04$ ) синалувчиларнинг вазнида ва қолганларида жуда ишончли ( $t$  кийматлари 3,81 ва 4,20 оралиғида тебраниб;  $p < 0,001$ ) ўзгариларни кўрсатди (2-жадвалга қаранг)




Мақтабга тайёрлов гуруҳ (6-7) ёш назорат (Аънанвий дастур) ва тажриба (Жисмоний тарбия дастури бўйича) гуруҳларида педагогик тадқиқот давомида ўзгаришлар динамикаси (n=24)

№/р	Тест-машқлар	гуруҳ	тажриба боши			тажриба охири			Усиш, %	t	p
			$\bar{x}$	$\sigma$	V, %	$\bar{x}$	$\sigma$	V, %			
1.	Синалувчиларнинг тана узунлиги (см)	НГ	114,58	9,61	8,39	121,67	9,18	7,54	6,18	2,57	<0,05
		ТГ	114,92	7,80	6,79	123,33	7,52	6,10	7,32	3,81	<0,001
2.	Синалувчиларнинг вазни (кг)	НГ	20,86	2,83	13,56	23,05	2,94	12,77	10,51	2,63	<0,05
		ТГ	21,83	3,07	14,06	24,53	3,09	12,61	12,37	3,04	<0,01
3.	10 м масофага югуриш (сек.)	НГ	2,55	0,39	15,46	2,34	0,39	16,54	8,17	1,85	>0,05
		ТГ	2,48	0,37	14,85	2,08	0,30	14,55	16,44	4,20	<0,001
4.	Турган жойда узунликка сакраш (см) натижалари	НГ	101,42	10,06	9,92	106,33	9,70	9,12	4,85	1,72	>0,05
		ТГ	107,75	12,39	11,50	117,92	14,11	11,97	9,44	2,65	<0,05
5.	150 грамм кумли халтачани улоктирип натижалари (м)	НГ	4,89	0,50	10,15	5,27	0,52	9,93	7,67	2,55	<0,05
		ТГ	5,23	0,82	15,66	6,20	0,79	12,76	18,66	4,20	<0,001
6.	Арқончада сакраш (сек.)	НГ	14,33	2,15	14,97	15,42	1,93	12,51	7,56	1,84	>0,05
		ТГ	14,08	2,31	16,43	17,00	2,70	15,86	20,71	4,02	<0,001

Мактабгача ёшдаги тажриба гуруҳлари болаларининг ёш кесимида жисмоний ривожланганлик кўрсаткичи (антропометрия) ва танланган тестлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик тажриба давомида статистик ишончли ўзгарганлиги яққол кўринди.

Назорат гуруҳида sinalувчилар бўйлари ( $t=2,63$ ) ва 150 грамм қумли халтачани улоқтириш ( $t=2,55$ ) натижалари педагогик тажриба давомида ( $p<0,05$  аҳамиятлилиқ даражасида) статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди. Қолган учта кўрсаткичлар бўйича ( $t$  қийматлари 1,72 ва 1,85 оралиғида ўзгаради) педагогик тажриба давомидаги ўзгаришлар статистик ишончсиз ( $p>0,05$ ) эканлиги намойён бўлди. Мактабгача (6-7 ёш) тайёрлов тажриба ва назорат гуруҳлари sinalувчиларининг тана узунлиги, sinalувчиларнинг вазни, 10 м масофага югуриш, турган жойида узунликка сакраш, 150 грамм қумли халтачани улоқтириш, арқонда сакраш каби танланган машқлар бўйича педагогик тажриба давомида ўсиш динамикаси фойизларда кўрсатилган. (3-расмга қаранг).



**3-расм. 6-7 ёшли мактабга тайёрлов тажриба ва назорат гуруҳлари sinalувчиларининг танланган машқлар бўйича педагогик тажриба давомида ўсиш динамикаси %**

Расмда 6-7 ёшли мактабга тайёрлов sinalувчилар гуруҳларининг тажриба гуруҳи натижаларини назорат гуруҳига нисбатан устунлиги тажриба ва назорат гуруҳларидаги кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматларини педагогик тажриба давомида ўзгаришини белгиланган эркинлик даражаси, Стъудент критик қийматлари асосида статистик ишончлилигини аниқлашда ҳам кузатилади. Назорат ва тажриба гуруҳлари кўрсатган натижаларининг педагогик тажриба давомида ўсиши назорат гуруҳида тажриба гуруҳидаги мос кўрсаткичларни ўсишидан пастлиги аниқланди. Мактабга тайёрлов назорат гуруҳида энг катта ўсиш (10,51%) sinalувчиларнинг вазнида ва (8,17%) sinalувчиларни 10 метр масофага югуриш машқни бажаришда, энг кам ўсиш (4,85%) турган жойида узунликка сакрашга тааллуқли бўлиб, назорат гуруҳи бўйича ўртача ўсиш 7,49% ни ташкил қилган. Мактабгача тажриба гуруҳида ҳам ҳамма машқлар натижаларининг педагогик тажриба давомида ўсиши назорат гуруҳларига нисбатан анча юқори бўлган. Жумладан, 6-7 ёшли катта назорат гуруҳида ўрганилган 4 та машқ бўйича нисбий ўсишнинг ўртача арифметик қиймати 13,32% ни ташкил этган бўлиб, ушбу гуруҳдаги энг кичик нисбий ўсиш sinalувчининг бир минутдаги юрак қисқаришлари частотасида аниқланиб, у 4,66 % ни ташкил этган бўлса, энг катта ўсиш ўнг қўл панжалари динамометрияси учун ва у 9,33% ни ташкил этди (3-жадвалга қаранг).

Мақтабгача (6-7 ёш) тайёрлов назорат ва тажриба гурҳининг функционал кўрсаткичларини тажриба довомида ўзгариш динамикаси (n=24)


№	Кўрсаткичлар	гурҳ	тажриба боши			тажриба охири			t	p
			$\bar{x}$	$\sigma$	V, %	$\bar{x}$	$\sigma$	V, %		
1.	Ўпканинг тириклик сизини (см <sup>3</sup> )	НГ	1208,33	104,95	8,69	1264,58	103,71	8,20	1,87	>0,05
		ТГ	1204,17	98,82	8,21	1302,08	87,82	6,74	3,63	<0,001
2.	Бир минутдаги юрак қисқартишлари частотаси (зарба/миң)	НГ	90,58	6,37	7,03	87,33	6,38	7,30	1,77	>0,05
		ТГ	90,88	9,76	10,74	85,33	8,91	10,45	2,05	<0,05
3.	Ўнг қўл панжалари динамометриyasi (кг)	НГ	7,15	0,89	12,46	7,81	0,88	11,29	2,61	<0,05
		ТГ	7,13	1,30	18,31	8,71	1,33	15,32	4,16	<0,001
4.	Чап қўл панжалари динамометриyasi (кг)	НГ	6,79	0,90	13,19	7,29	0,92	12,61	1,91	>0,05
		ТГ	6,71	1,24	18,51	7,96	1,08	13,60	3,72	<0,001

Тажриба гуруҳи синалувчилари функционал кўрсаткичларини педагогик тажриба давомида ҳам айнан шу икки машқлар, яъни бир минутдаги юрак қисқаришлари частотаси энг кам – 6,10% ва синалувчининг ўнг қўл панжалари динамометрияси энг кўп – 2,61% ўзгариб, бошқалардан ажралиб турган.

Мактабгача ёшдаги барча кўрсаткичлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик тажриба давомида статистик ишончли: уларни статистик ишончилиги энг паст кўрсаткич ( $p < 0,05$  ва  $t = 2,65$ ) синалувчиларни турган жойида узунликка сакраш машқида; ундан яхши кўрсаткич ( $p < 0,01$ ;  $t = 3,04$ ) синалувчиларнинг вазнида ва қолганларида жуда ишончли ( $t$  қийматлари 3,81 ва 4,20 оралиғида тебраниб;  $p < 0,001$ ) ўзгаришлар кузатилган.

Мактабгача ёшдаги тажриба гуруҳлари болаларининг ёш кесимида жисмоний ривожланганлик кўрсаткичи (антропометрия) ва танланган тестлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик тажриба давомида статистик ишончли ўзгарганлиги биз ишлаб чиққан ҳамда тажриба гуруҳида қўлланган Жисмоний тарбия методикаси назорат гуруҳида қўлланилган Илк қадам дастурига нисбатан юқори самарадорлигини кўрсатди.

Мактабга тайёрлов (6-7 ёшдаги синалувчилар) гуруҳларининг тажриба гуруҳи натижаларини назорат гуруҳига нисбатан устунлиги тажриба ва назорат гуруҳларидаги функционал кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматларини педагогик тажриба давомида нисбий ўсишида ва бу абсолют ўзгаришларни белгиланган эркинлик даражаси асосида Стьюdent критик қийматлари асосида статистик ишончилигини аниқлашда ҳам кузатилди. Жумладан, назорат гуруҳида энг катта нисбий ўсиш (9,33%) - синалувчининг ўнг қўл панжалари динамометрияси машқида ва энг кам нисбий ўсиш (4-расмга қаранг).



**4-расм. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари 6-7 ёшли мактабга тайёрлов тажриба ва назорат гуруҳи функционал кўрсаткичларини тажриба давомида ўзгариш динамикаси %**

Расмда 3,59 % - бир минутдаги ЮҚЧ – юрак қисқаришлари частотасида кузатишган бўлиб, бу гуруҳда машқлар бўйича нисбий ўсишларнинг ўртача арифметик қиймати 6,23% ни ташкил этди.

Таъриба гуруҳидаги ўзгаришлар анча сезиларли бўлиб, машқлар бўйича нисбий ўсишларнинг ўртача арифметик қиймати 13,7% ни ташкил этди. Бу гуруҳда, назорат гуруҳидагига ўхшаш бўлиб, энг кам нисбий ўсиш (6,10%) - бир минутдаги ЮҚЧ – юрак қисқаришлари частотаси машқда ва энг кўп нисбий ўсиш (22,2%) - синалувчининг ўнг қўл панжалари (динамометрия) машқда кузатилди (5-расмга қarang).



### 5-расм. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари 6-7 ёшли мактабга тайёрлов таъриба ва назорат гуруҳи функционал кўрсаткичларини таъриба давомида ўзгариш динамикаси %

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари 6-7 ёшли мактабгача тайёрлов таъриба ва назорат гуруҳи функционал кўрсаткичларини таъриба давомида ўзгариш динамикасига кўра машқларнинг ҳар бири бўйича абсолют ўсишлар, мос стандарт оғишлар ва белгиланган эркинлик даражаси сони асосида ҳисоблаб топилган Стъудент тақсимооти критик нуқталари қийматлари учун таъриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан юқори кўрсаткичлар аниқланган.

Жумладан, назорат гуруҳида фақат - синалувчининг ўнг қўл панжалари динамометрияси машқдаги педагогик таъриба давомидаги ўзгариш ( $p < 0,05$  аҳамиятлилик даражасида) статистик ишончли ўсиши аниқланди ( $t = 2,61$ ). Бу гуруҳдаги қолган учта кўрсаткичлар бўйича натижалар педагогик таъриба давомида ( $t$  қийматлари 1,77 ва 1,91 оралигида ўзгарди) статистик ишончсиз ( $p > 0,05$ ) ўзгарганлиги кузатилди.

Таъриба гуруҳи синалувчиларининг барча кўрсаткичлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик таъриба давомида ўзгариши статистик ишончли: уларнинг статистик ишончилиги энг пасти ( $p < 0,05$  ва  $t = 2,05$ ) синалувчиларининг бир минутдаги ЮҚЧ – юрак қисқаришлари частотаси машқда; қолган учта кўрсаткичлар бўйича жуда

